

ПУЛАТ
МУМИН

Фурсат
Ғанимат

ПУЛАТ МУМИН

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

(Сўнги шеърлар)



Тошкент
«Наврўз» нашриёти
2013

*Ушбу тўплам адибнинг
90 йиллигига бағишланади.*

КБК 24.2 (3 Ўзб)

М-34

УДК: 115.7.2

Мўмин, Пўлат

Фурсат ғанимат / П. Мўмин — Тошкент:

Наврўз нашриёти ДУК, 2013. 40 б.

Тузувчи

Табассум Мўминова

Муҳаррир

Шукур Қурбон

Нашр учун маъсул

Озод Мўъмин Хўжа

Ушбу китобга Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Пўлат Мўмин ўз умрининг охириги йилларида битган маснавийлари, қасидалари, ғазаллари ва шеърларининг бир қисми киритилди. Уларда фалсафий ва теран фикрлар ярқ этган. Бу назмий қаторларни шошилмай, диққат билан ўқиган инсон бир яхши кўшиқ завқини туяди, деган фикрдамиз.

ISBN 978-9943-381-58-2

© Озод Мўъмин Хўжа,
Табассум Мўминова,
2013 й.

ФУРСАТ – ҒАНИМАТ

Нафасми олганинг фурсат – ғанимат
Даврада қилганинг суҳбат – ғанимат.

Луқмаи ҳалолинг, нонинг – ғанимат,
Томирда югурган қонинг – ғанимат.

Ширин ўтаётган вақтинг – ғанимат,
Қўлингга тутганинг нақдинг – ғанимат,

Кўрганинг, тотганинг неъмат – ғанимат,
Қалбингнинг соғлиғи-сиҳат – ғанимат.

Юпунга қилганинг эҳсон – ғанимат,
Яхшига бўлганинг мезбон – ғанимат.

Ҳаловат-ҳузуринг, бахтинг – ғанимат,
Ўтирган ўз ўрнинг-тахтинг – ғанимат.

“Ғанимат” дейилган сўзинг – ғанимат,
Эй Мўмин ўзингга ўзинг – ғанимат.

ЯШАГУВСИ КЕЛАВЕРАР ҲАММАНИНГ

Етаверсанг — орзу қилсанг ниманинг,
Мамнун кўрсанг атрофда эл-омманинг,
Ором берса оҳанглари нағманинг,
Оқиб турса умр суви чашманинг
Яшагуси келаверар ҳамманинг.

Ҳар кимсанинг бўлса ватан — ўз уйи,
Хизматидан ошаверса обрўйи,
Боғларидан тарқаб турса гул бўйи —
Оқиб турса умр суви чашманинг
Яшагуси келаверар ҳамманинг.

Эҳсонингдан эга бўлсанг савобга,
Нима етсин валийларни тавофга,
Кулиб боқсанг кулиб турган офтобга —
Оқиб турса умр суви чашманинг,
Яшагуси келаверар ҳамманинг.

Гулдай ҳунар бўлса олтин қўлингда,
Яхши дўстлар учрай берса йўлингда,
Чаманзорлар яшнаса ўнг-сўлингда,
Оқиб турса умр суви чашманинг,
Яшагуси келаверар ҳамманинг.

Мадад берса дилга имон, эътиқод,
Бағри кенглар учраса қил илтифот,
Мўминликнинг завқин сургил умрбод.
Оқиб турса умр суви чашманинг,
Яшагуси келаверар ҳамманинг.

ЎТГАНЛАРНИ ЁД АЙЛАНГ

Ўтганларни ёд айланг,
Тупроғин обод айланг.
Такрор этиб номини,
Руҳларини шод айланг.
Юрту халқин ўйлаган,
Кўп ишлаб, оз ўйнаган.
Улар улуғ зотлардир,
Бу ҳаётга тўймаган.
 Ўтганларни ёд айланг,
 Руҳларини шод айланг.

Машаққатлар чекканлар,
Ерга кўчат экканлар.
Ҳалол яшаб, ҳалол еб,
Элнинг гамин еганлар.
Кўплар ўтган дунёдан
Умидворлар дуодан.
Билиб қўйинг, ҳеч кимса
Ҳоли эрмас хатодан.
 Ўтганларни ёд айланг,
 Руҳларини шод айланг.

Қилсалар-да хонишлар,
Қилмаганлар нолишлар.
Хамон берган ҳарорат-
Ўртанишлар, ёнишлар.
Топиб илож-имконин,
Пок сақласин имонин.
Ҳаёт отли бозорда
Сотмаганлар виждонин.
 Ўтганларни ёд айланг,
 Руҳларини шод айланг.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3442> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3442> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3442>